

ОИЛАДА, ОИЛА АЪЗОЛАРИ ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР.**Бейсенов Кенжабай Сарсанбаевич***Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси подполковник*

+99888 339 70 71

Меликулов Нуржов Латифович*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник*

+99899 000 67 14

Аннотация: в семье регистрируется информация о взаимоотношениях между членами семьи.

Аннотатсион: in the family, information about the relationship between family members is recorded.

Базовые слова: семья, ата-ана, бала, половое воспитание, программа.

Base words: family, ata-ana, bala, sex education, program.

Тартиб ва интизом бўлган жойдагина қонун-қоидаларга амал қилинади. Тартиб бўлмаган жойда эса иш ҳам юрмайди, ривожланиш ҳам бўлмайди. Оилада тинчлик-хотиржамликнинг бўлиши, оила аъзолари орасида меҳр-оқибатнинг мавжудлиги, ота-она ва фарзандларнинг ўзаро самимий муносабатлари оиланинг ички-тартиб қоидалари ҳисобланади. Бизнинг оиламиз катта оролдаги танҳо оила эмас, балки ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз, амаки-тоғаларимиз, амма-холаларимиз, биз билан яқин борди-келдиси бўлган дўсту ёр, қўни-қўшниларнинг оилалари орасида эканини эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Ички ишлар органларига янги хизматга кирган ходимга ҳам аввал бошида керакли шарт-шароитини яратиб бериб, ички тартиб-қоидалар билан таништириб ундан кейин иш талаб қилинади. Оилада ҳам худди шундай бўлиши керак эмасми? Оиламизда тартиб ўрнатганмиз, болаларим айтганларимни қилади, тўғри йўлда олиб кетяпман деймиз-у жойи келганда фарзандларимизнинг қилиб қўйган ишларини кўриб ёқамизни ушлаб қоламиз. Йўқ, бу менинг фарзандим эмас, бу унинг иши эмас, буни бошқа биров қилган, уни мажбурлаган..... Кошки бу важларнинг энди фойдаси бўлса?

Ота-онага хизмат қилиб, уларнинг розилиklarини олиш бутун бир бошли оила, қариндош-уруғ, ҳатто қўни-қўшни, ёру дўстлар жамоасини ўз ичига оладиган

комплекс хизматлар мажмуаси десак муболаға бўлмайди. Чунки оят ва ҳадислардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, бу борадаги илк қадам оилада бевосита ота-онадан бошланса-да, у бориб-бориб ака-укалар, амаки-тоғалар, ота-онанинг ёру дўстларига бўлган муносабаталарни ҳам ўз ичига олади.

Икки ё уч ёки ундан кўп фарзандли оилаларда, кейинчалик уларнинг ҳар бири оила куриб фарзандли бўлгандан кейинги бир бутун катта оилани кўз олдингизга келтиринг. Бу кичкина жамият гарчи ҳаммаси бир ота ва онадан кўпайган бўлса-да, турли характердаги ҳар хил салоҳиятдаги катта-ю кичик одамларни ўз қарамоғига олади. Мана шу кичкина кишилиқ жамиятида ҳеч кимнинг кўнглини оғритмасдан, имкон қадар ҳамма билан яхши муносабат ўрнатган ҳолда ота-онанинг хизматини қилиб, розиликларини топиш лозим бўлади. Камчилик ва хатолар ҳаммада ҳам бўлади. Айниқса бу болаларда кўп учрайди. Зотан инсон қусурлардан холи эмас.

Оила аъзолари орасидаги, айниқса ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муомаланинг яхши бўлишлиги, энг аввало, уларнинг баъзи қусур ва камчиликларига кўз юмишликка боғлиқдир деб ўйлайман.

Агар оила аъзолари ҳисобланган фарзандларнинг бирортасида ёмонроқ одати бўлса, буни унга чиройли қилиб, юмшоқлик билан тушунтиришимиз керак. Бу чиройли сўзни мисоллар ёки ибратли ҳикоялар билан тушунтирилса янада яхши бўлади. Бу жараёндаги, яъни оила аъзоларига тарбия беришдаги энг муҳим жиҳат, сўздан бошқа ортиқча ҳаракатларга эҳтиёж қолдирмасликдан иборатдир. Демак, айтилиши билан хато ва камчиликлар бартараф этиладиган бўлса, ортиқча гап-сўзларга ўрин қолмайди ва бу тарбиянинг яхши таъсиридан дарак беради.

Ота-она томонидан буюрилган ишлар фарзанд томонидан қаршилиқ билан қабул қилинса, ижроси кечиктирилса ёки бажарилмайдиган бўлса, бундай буйруқларни бергандан кўра бермаслик маъқул, дейилган тарбия китобларимизда. Чунки айнан мана шу зарурат болани ота-онанинг амрига исён қилиб, Аллоҳнинг азобига гирифтор бўлиб қолмаслиги учун ҳам керакдир. Зеро ҳадиси шарифда:

“Фарзандининг итоатига ёрдам берган отага, Аллоҳ раҳмат қилади”, деб марҳамат қилинган. (Саҳовий, “Мақосидул-Ҳасана”, 516)

Бу ҳадиси шарифда фарзанди қарши чиқиб осий бўлиб қолишига сабаб бўладиган буйруқни бермаган ота назарда тутилган. Бу аслида ҳар бир ота-она учун энг муҳим ва керак бўладиган кўрсатма ҳисобланади. Чунки бола то ақлини таниб, оқ-қорани ажратиб, савобу гуноҳ нималигини яхши билиб олгунича қанчадан қанча қовун

пишиғи ўтиши лозим бўлади. Ҳатто бола катта бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетганда ҳам ота-она айнан шу масалада жуда эҳтиёткор бўлса, фақат яхши бўлади¹².

Тарбияга ойд китобларимизда устознинг даражаси отаникидек улуғлиги айтиб ўтилган. Бу бежизга эмас. Чунки устоз инсоннинг маънавий тарбияси билан шуғулланиб, уни комил инсон бўлиб етишига асосий эътиборини қаратади. Шунинг учунг ҳам уларнинг таълим-тарбия бериш усулларида, аввало, устознинг ўзи чиройли одоб эгаси бўлиши керак, кейин оғир-вазминлик, сабр-тоқатлик, чидамлилиқ каби қобилиятларга эга бўлиш энг биринчи талаблардан ҳисобланади. Ислон оламининг буюк шайхлари ҳаёти ҳақидаги тарихий манбаларда ёзилишича, илм даргоҳларида таълим олаётган айрим шогирдларда кузатилган камчилик ёки нуқсонни тингловчига айтиш учун устози йиллаб, ҳатто, айримлари қирқ йил кутганлари баён этилган. Бу нима дегани? Инсон хато ва камчиликдан холи бўлмаганидек, шу нуқсонларини бирданига қабул қилиб, уни бартараф этишга ҳам лойиқ эмас дегани. Инсонга ўз хатосини то ўзи ақл-идроки билан тушуниб етиши учун унга йиллар керак бўлади. Баъзида эса шу камчилигини унга айтиш учун зарур ва қулай фурсатни топиш учун ҳам ота-оналарга кунлар, балки ойлар керак бўлади. Шунинг учун фарзанд тарбиясида, айниқса, ота-оналарнинг уларга нисбатан муносабатларида тарбиянинг мана шунга ўхшаш нозик жиҳатларини эсларидан керак.

Ҳикмат. Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилийн” асарида аллома Фузайл бин Ийёс раҳматуллоҳи алайҳнинг қуйидаги хулосалари ифода этилган:

“Шу ишларни қилган одам мутлақо мурувват ва фазилат соҳиби бўлади: ота-онасига яхшилиқ қиладиган, қариндошларини зиёрат этадиган, дин биродарларига илтифот ва ҳурмат кўрсатадиган, **аҳли аёли, болалари ва хизматчиси билан яхши муомалада бўлиб, ҳаёт кечирадиган**, динини муҳфаза қиладиган, молини шарият буюрган тарзда ҳалол сақлаб, ортинини эҳсон қиладиган, тилини тийган, кўзлари уйига, ибодатга қаратилган тарзда ҳаёт кечирадиган, беҳуда ишлар ва кераксиз одамлардан узоқда юрган”¹³.

Тарбия адабиётларимизда, болалар етти ёшигача оиланинг райҳонлари экани, уларни мазза қилиб ҳидлаш мумкинлиги, етти ёшдан ўн тўрт ёшгача ота-онанинг хизматчиси экани, кейин эса ё душманингиз ёки дўстингиз бўлади, деб айтилган.

Ўқиган-билганларимиздан шу нарсан маълум бўлмоқдаки, бирорта кишига, шу жумладан, ўз фарзандига ҳам бир нарсани ўргатишда тарбияни шуни қилгин, буни бажармагин каби кескин буйруқ ва мажбурлаш тарзида бермаслик керак экан. Ҳар

¹² <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/4923-oila-tarbiya-maskani>

¹³ Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофилийн” асари

қандай тарбия жараёнида чиройли ўртак кўрсатиш энг яхши натижа бериши тажрибалардан билинмоқда.

Шундан келиб чиқиб, ота-оналар ҳам яхши ва хайрли ишларни фақат тушунтиравермасдан, насиҳатларини амалда ўзлари бажариб кўрсатиб турсалар, яхши ўртак бўлади¹⁴.

Инсон дунёга келиб, камол топишида оила ва ундаги тарбиявий муҳитнинг аҳамияти каттадир.

Хонадонда ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг тўғри шаклланиши нафақат оила тинчлиги, балки жамият фаровонлигига ҳам бевосита таъсир этади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз қадимдан оила кадриятларини улуғлаб келганлар.

Маълумки, шарқ оилаларида катталарга ҳурмат-эҳтиром, кичикларга иззат-икром, яхши-ёмон кунларда бир-бирларига кўмаклашиш, ғамхўрлик қилиш, меҳр-оқибат кўрсатиш каби тамоиллар устувор ўрин тутган.

Аввало, тарбия сўзи - "парвариш қилиш", "ўстириш", "одоб ўргатиш", "нафси поклаш", "илм ва ҳунар бериш", "фазилатларни сингдириш" ва "ривожлантириш" каби маъноларни ўзида мужассамлаштирган.

Фарзанд инсоний фазилатларни, асосан, оиладан ўрганади. Тарбия ҳақида гапирганда халкимиз орасида машҳур бўлган бир ривоят беихтиёр ёдингга тушади. Бир киши фарзандли бўлиши биланок доно Ҳакимни олдиға бориб: "Мен бугун ота бўлдим, фарзандимга қачондан бошлаб тарбия берсам бўлади", дебди. Шунда Ҳаким бироз табассум қилиб: "Болани тарбиялашға тўккиз ой кеч қолибсизку", - дебди. Киссадан хисса шуки, аввало, тарбия берувчининг ўзи тарбияли бўлмоғи лозимлиги англанади. Тарбия сўзининг маъноси жуда серқирра бўлиб, "бола боқмоқ", "вояға етказмоқ", "парваришлам", "ғамхўрлик қилмоқ", "одоб-ахлоқ ва касб-ҳунар ўргатмоқ", "таълим бермоқ" каби тушунчаларни ҳам ўзида мужассам этади. Халкимизда, "Ўргатишнинг энг яхши йўли, намуна бўлишдир", деган нақл бор. Яъни, Фарзандининг илмли бўлишини хоҳлаган ота-она энг аввало, ўзи бундай шарафли макомга эга бўлмоғи зарур экан.

Минг афсуски, охириги пайтлар баъзи оила фарзандлари номаъқул ишларга араллашиб қолганини гувоҳи бўляпмиз. Бундай ҳолатда ота-оналар уйларида тарбиявий муҳит яхши эканини, бироқ кўча муҳити фарзандларини бузганини даъво қилишади. Балки шундайдир, лекин таълим беришда ота-она қачондир, нимададир

¹⁴ <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/4923-oila-tarbiya-maskani>

хато килган бўлиши ҳам мумкин-ку. Халқимиз: "Қуш инида кўрганини килади", - деган нақлни бежиз айтмаган.

Фарзанд тарбияси ота-она учун энг масъулиятли ва энг узок, керак бўлса, бутун умр давом этадиган жараёндир. Баъзи ишларни бир-икки тадбир билан ниятсизга етказиш мумкин. Аммо тарбия масъулияти эса бардавом бўладиган буюк бир ишдир. Зотан, ота-онанинг фарзанд неъматига ҳақиқий шукри ҳам айнан тарбия масъулиятини шараф билан адо этиш орқали юзага чиқади.

Хулоса ўрнида, бугунги кунда комил инсон тарбиясида эътиқод тарбияси, ахлоқ тарбияси, тафаккур тарбияси, жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси қабилар ўзаро бир-бирига боғлиқ масала экани барчага маълум.

Ота-боболаримиз оилада фарзанд тарбиясини муқаддас динимиз кўрсат- маларига мувофиқ олиб боргани учун ҳам Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Махму Замахшарий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби буюк зотлар етишиб чиққанини бугун бутун дунё эътироф этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.—Т:Ўзбекистон, 2023.;
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2024. – Lex.uz.;
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2024. – Lex.uz.;
4. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси Т:Ўзбекистон, 2023 – Lex.uz.;
5. <https://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/gzr/>;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури.
7. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/4923-oila-tarbiya-maskani>.
8. Абу Лайс Самарқандийнинг “Танбеҳул ғофиллар” асари.
9. <http://old.muslim.uz/index.php/maqolalar/item/4923-oila-tarbiya-maskani>